# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ-ТАЪЛИМ ВЕБ-САЙТИ




## Биз билан молиявий саводхонликни ошириш жуда осон!



@finlituzb
@finlituzb
@finlituzb
@finlituzb
@finlituzb
www.finlit.uz

# БАНК МАҲСУЛОТЛАРИГА ОИД КЎРСАТМАЛАР

## Finlit.uz – молия оламидаги шахсий навигаторингиз



## Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Сиз фақат шартнома асосида кредит олишингиз, омонат ёки банк картасини очишингиз, шунингдек, бошқа банк хизматлари ва маҳсулотларидан фойдаланишингиз мумкин.

Банк билан шартнома имзолаш шартномада кўрсатилган шартларнинг бажарилишига жавобгарликни бўйнига олиш демакдир!

## СИЗНИНГ ҚУЙИДАГИЛАРГА ҲАҚҚИНГИЗ БОР:

- Банк ходимидан шартнома нусхасини олишга
- Оила аъзоларингиз ёки мутахассис билан маслаҳатлашиш мақсадида шартномани ўзингиз билан олиб кетишга
- Агар шартнома шартларига банк томонидан бир томонлама ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, шартномани имзоламасликка

! **Унутманг! Банк тузилган шартнома шартларида келтирилган кредитлар ва депозитлар бўйича фоиз ставкаларини, комиссиялар миқдорини ва шартноманинг амал қилиш муддатини фақат бир томонлама тартибда ўзгартиришга ҳақли эмас**

Марказий банк алоқа телефон рақами

(+998 71) 212-62-05

Марказий банк ишонч телефони

(+998 71) 200-00-44

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Банк билан шартнома тузганингиздан сўнг, сизга шартноманинг сақлаш тавсия этиладиган битта асл нусхаси тақдим этилиши керак

Агар сиз мобил банкинг тизими орқали карта очаётган бўлсангиз, омонат жойлаштираётган бўлсангиз, кредит олаётган бўлсангиз шартноманинг электрон шаклини сақлаб олинг

**Шартномадаги тушунарсиз бандлар бўйича саволларингиз бўлса, банк ходимларидан маслаҳат олишингиз мумкин**

**Муҳим! Тижорат банкларининг веб-сайтида, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда банк хизматларини тақдим этиш шартларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни кузатиб боринг, улар кучга киришидан камида 10 кун олдин эълон қилиниши керак**